
ФАРҒОНАДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ КАТТА ТАНТАНА БИЛАН НИШОНЛАНДИ

Бугун Фарғона шаҳридаги "Афросиёб" тантаналар мажмуасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг вилоят Кенгаши томонидан 11 ноябрь - Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди. Тадбирда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Қобилжон Қирғизалиев, вилоят секторлари раҳбарлари, вилоятдаги йирик иш берувчи корхоналар раҳбарлари, бошқарма ва ташкилотлар касаба уюшмалари ходимлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бугунги кунда мамлакатимиздаги энг йирик жамоат ташкилотларидан бири сифатида фаолият кўрсатиб келаётган соҳа ходимларини байрам билан самимий қутлаб, касаба уюшмалари фаолиятини ривожлантиришда Фарғонада ўзига хос тажриба мактаби яратилганини эътироф этди. Хусусан, биргина "Аёллар дафтари" билан ишлаш борасида вилоятда 75 минг нафардан зиёд хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатилгани алоҳида қайд этилди. Бугунги кунда вилоятимизда касаба уюшмалари тизимида 3,5 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотларда 462 мингдан зиёд фаоллар фидокорона меҳнат қиляпти. Улар корхона ва ташкилотларда ишчи-ходимларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, муносиб меҳнат шароитларини яратишда фаол иштирок этиб келяпти. Байрам тадбирида соҳанинг қатор фидойилари вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан эълон қилинган «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши маҳалла фуқаролар йиғини раиси» ва бошқа турли танловларнинг ғолибларига диплом ва пул мукофотлари тақдим этилди. Эл ардоғидаги таниқли санъаткорлар иштирокидаги куй-қўшиқлар эса барчага қувонч улашди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2022-11-01 23:02:36